Янги ташкил этилган ўқув залида беш мингдан зиёд адабиётлар, беш юздан ортиқ аудио-видео материаллар ўрин олган. Бу ердан фойдаланувчилар ўзлари хоҳлаган адабиётларни китоб шохларидан олиб ўқишлари, керакли маълумотларни қўлда ёзиб ўтирмасдан шу ернинг ўзида нуқса қўчмувичи машиналар ёрдамида фойдаланишлари мумкин. Тез кунларда интернет тизимидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

### Оқсоқол қайта Сайланди

Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласи аҳли маҳалла раиси бўлиб ишлаб келаятган Элбек Гойибназаровни қайта оқсоқолликка сайлашди.

Республика Олий Мажлиси кенгашининг қарорига биноан мамлакатимизда маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтапти. «Мажнунтол» маҳалласида ҳам ана шундай сайлов бўлиб ўтди. Маҳалла раиси лавозимига уч номзод кўрсатилди. Маҳалла аҳли фаолияти довомидида маҳаллада тинчлик ва оқсоқолликнинг, ободончиликни, турли қуқуқбузарликларнинг олдини олишда жонбозлик қилган учун Э.Гойибназаровни оқсоқолликка қайта сайлашни маъқул қўришди. Улар маҳалла оқсоқоллигининг кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишилар, кексаларга нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлигидан мамнун эканини айтишди.

Э.Гойибназаров маҳалла аҳли ишониб топширган масъулияти ишни қўлидан келгунча адо этишини, қилган ҳайри ишлар келаси йили ҳам давом эттиришини таъкидлади. «Туркистон-пресс»

### Сарҳисоб


бажарилиб келинмоқда. Самарани меҳнат эвазига олинган ана шундай даромадлар ҳамиша хайрли ишлар учун сарф этилади. Жумладан, 2003 йилда янги ўқув йили арафасида 120 ўринли мактаб хўжалик ҳисобидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 2 километр йўл асфальтланди, 10 километр хўжалик йўли текисланди. Денов туман ҳокимлиги ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг саъй-ҳаракати туфайли тумандаги хўжаликлар ўз режаларини барча кўрсаткичлар бўйича ўз вақтида адо этиб келмоқдалар.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири

ХАЛҚ ЭЪЗОЗЛАГАН ПИРИ-МУРШИД

Президентимизнинг биз уста меъморларга қарата айтган сўзларидан тўлқинланиб кетдим, деди Бобур Саидов. ...

роҳликдир. «Инсон то кўнглини ювмагунча пок бўлмайди». ...



очик турдаги хиссадорлик жамиятининг нозиктаб усталари ўз маҳоратларини намойиш этиб, қадимий обидга ўзгача жозиба бахш этидилар. ...

барпо этиб, шаҳар кўркига кўрк қўшган Курбон Холов, Ш.Тошев, А.Баҳромов, С.Низомов, Н.Сайфуллаев каби йўлсозлар меҳнатиди, «Ғиждувоний» шох кучасида юзта замонавий ёриткич ўрнатиб, шаҳарни ёдуга тўлдирган «Ғиждувон электр турмоқлари» корхонаси нурчиларининг беминат хизматларида, хуллас, зиёратгоҳни ободонлаштиришига ҳисса қўшган барчанинг қалбига уйғониш, ўзгариш билан бирга нурзиё оқиб киради. ...

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири

Хуршид таваллудининг 110 йиллигига

Машҳур ўзбек драматурги, атоқли театр намоянчаси, шoir ва таржомон Шамсиддин Шарофиддинов Хуршид таваллуд топангига 110 йил тўлди. ...

Хуршид зиёкорлар oilасида туғилиб ўсди, отаси Шарофиддин қори Шарқ диний маданияти, маърифатчилигининг билимдони эди, онаси Хонпошша отин ҳам қориа биби эди. ...

жондаги ҳиндлар ҳаётидан), «Авали хой, охири бой», «Ёмон ўртоқ», «Кичик аскар», «Буюк аскар», «Жадид ва Қадим», «Заволли ватан, ёхуд Туркистон», «Асмо ва Салмо», «Карлавок воқеаси», «Шаҳзода ва тиланчи», «Сиевўшнинг ўлим ҳукми» каби драматик ва мусиқий саҳна асарларини яратди. ...

йилда кўйилиши билан, Андижон давлат театри ўлкада биринчи бўлиб «мусиқали драма театри» атамасига эга бўлганда ва бу республикадаги биринчи давлат мусиқали театр эди. ...

жима қилди ва улар М.Уйғур, Я.Бобоҷонов, М.Мухамедов, Э.Юнгвальд-Хилькевич, З.Қобулов, Р.Ҳамроев, А.Бақиров, А.Жўраев каби атоқли режиссёрлар томонидан сахналантирилди. Хуршид Хофиз Шероий шёрларини ҳам ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди: адабиётшунос олим сифатида Ўзбекистон ФА тил ва адабиёт институти ҳамда музейида Мунис, Дурбек, Огаҳийларнинг мумтоз асарларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирди: Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосида шёррий опера либреттосини яратди. ...

БЎЛҒУСИДУР ХАЛҚ АРО АШЎРИ ИЖОД ОҚИБАТ...

ориф шубаси қошида «Тилак», «Темур» театр труппаларини ҳам ташкил этиб, ўзи режиссёрлик қилиб, спектаклларида роллар ўйнаганиди. Драматургининг «Қасабалар клуби» театр сахнасида кўрсатилган (1920) «Ҳамият еринди» спектаклидаги қўмондон Жамолбекнинг хотини ролни Назирахоним Зоқирова ижро этди. ...

биринчи бўлиб, Алишер Навоий дostonлари қаҳрамонларини саҳнага олиб чиқди ва ўзбек драматургиясида дастлабки шёррий пьесаларни ёзиб, «саҳна навоийномаси»га асос солди. Машҳур драматургининг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» мусиқий драма, опера асарлари (Ш.Шоумаров, В.Успенский, Т.Содиқов, Г.Мухеб, Р.Глиэр мусиқалари) драматургия, мусиқа, театр санъати, ижорчилик маданиятининг бебахо намуналари бўлиб қолди. ...

Хуршид ўзбек опера санъати ва театрининг юзага келиши, шаклланиши, ривожланишига ҳам катта хисса қўшган. 1938 йилда «Правда Востока» газетасида М.Ашрафий, Х.Носирова, Тамара-хоним, К.Яшинлар таъкидлаганидек, «Фарход ва Ширин» (Хуршид ва Успенский асари)нинг саҳнаштирилиши билан ўзбек опера театрига асос солинди. «Фарход ва Ширин»нинг 1928

Ватан меҳрин кўнглига нақш этишман доимо Хуршид, Кетар тандин агар руҳим, қолур номим ҳамон шайдо... Шамсиддин Шарофиддинов Хуршидга адабиётимиз, театр санъатимиз, драматургиямиз, мусиқий маданиятимиз, маърифатчилигимиз равнақи йўлидаги улкан хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилди. Истиклол боис халқ санъаткорининг номи, илҳомиди янада эъзозланиб, қадрланмоқда. ...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Аҳоли ўртасида осоийшталикни таъминлаш милиция ходимлари олдиға муҳим вазифалар юқлайди. Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлариға ҳам. Айниқса, ҳаракатдаги транспорт назоратини кўздан кечириш, ундаги ҳар хил кўнгилсизликларға сабаб бўлувчи омилларни вақтида топиб унга барҳам беришдек масъуляти вазифа борки, бу ходимдан ўта хушёрликни талаб этади. ...

Ана шундай ходимлардан бири Қоракалпоғистонға қарашли Чолиш пости ходими милиция старшинаси Марат Шаҳаровдир. Суратда: милиция старшинаси М.Шаҳаров назорат пайтида.

Урганч шаҳридаги шошилинч тиббиёт маркази асаб касалликлари бўлимида аҳолиға тиббий хизмат кўрсатишини яхшилаш, бу бордада жаҳон андозалариға мос хизматни ташкил этишға катта эътибор билан қаралади. 25 йиллик касбий малақаға эга бўлган Раъно Худойберганаованинг хизматидан аҳоли мамнун. У хорихда ишлаб чиқарилган ЭХОЭНСЕ фонолография ташхис кўйиш мосламаси ёрдамида кўниға 15 нафар беоморни кўриқдан ўтказишға улгуради. ...

Суратда: Раъно Худойберганаова беоморни тиббий текширувдан ўтказайтган пайт. Б.ЭРНАҒАСОВ олган суратлар

ИЗЛАНИШЛАР АВЖИДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг математика институтида дастлаб математик фанлар қатори механика, назарий физика, сейсмология, ҳисоблаш техникаси ва бошқа йўналишларда изланишлар олиб борилган. Кейинчалик ундан Механика ва ишоотлар мустаҳкамлиги, Кибарнетика, Сейсмология институтлари мустақил илмий муассаса сифатида ажралиб чиққан. ...

Институтнинг дунё математик жамиятлари томонидан тан олинган илмий мактабларининг шаклланишида В.Романовский, Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов сингари етук олимларининг хизмати беқиёс. Бугунги кунда соҳада катта муваффақиётта еришайтган истеъодли олимлар уларнинг анъаналарини давом эттиряпти. ...

Олимлар фаннинг фундаментал муаммолари қатори ўрта асрлар математикаси тарихини ўрганишға муносиб улуш қўшмоқда. Уша даврда юртимиздан етишиб чиққан буюк сиймолар Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улўбек каби алломаларнинг илмий мероси теран тадқиқ этилиб, оммалаштириляпти. Айни вақтида институт мамлакатимиздаги барча математик илмий тадқиқотлари мувофиқлаштирувчи марказға айланади. Олиб бориляётган илмий тадқиқотлар икки юздан кўпроқ монография, дарслик ва хорих журналларида ўз аксини тонди. ...

Фанлар академиясида математика фанининг ривожига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди. Тадбирда соҳадаги тадқиқотлари янада ривожлантириши, малакали мутаҳассислар тайёрлаш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар юзасидан фикрлашиб олинди. (ЎЗА)


1 декабр—Бутунжаҳон СПИДға қарши кураш куни

АСР ВАБОСИДАН САҚЛАНИНГ

1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ер кўрраси бўйлаб кеза бошлаган СПИД, яъни ОИТС (ориттрилган иммунитет танқислиги синдроми) деб аталиш касаллик одамларни ваҳимаға солиб кўйди. 375 000 кишининг шу хасталикка қалингани, 1988 йилнинг охирилариға келиб 5 миллион кишиға етганлиги эълон қилинди. БМТ-СПИД (ЮНЕЙД) маълумотиға қараганда 2001 йилға келиб ВИЧ/СПИДни юқтириб олганларнинг сони 50 миллиондан ортди ва уларнинг 16,3 миллион нафари вафот этган. ...

нинг бузилиши ётади. Олимларнинг таъкидлашича СПИД ўзи тўғридан-тўғри, ўлимға олиб келмагани ҳолда, кишида ўлка яллиғланиши, турли-туман инфекциялар, миянинг жароҳатланиши, хатарли ўсмаларнинг ривожланишиға ва бошқа хасталикларға замин хозирляйди. Жумладан, узоқ даволана олмайдиغان зотилжам, диарея, сил ва бошқалар шулар жумласига киради. Уларнинг барчаси учун умумий лимфа туғунларининг катталаниши, беоморнинг озиб кетиши, унда кучли авитаминоз, битмайдиган яралар пайдо бўлиши кузатилади. Вирус одам организмида энг юкори концентрацияға эга бўлган субъектлар-хон, сперма ва орқа мия суюқлиқидир. Организмға вирус тушгандан кейин яширин давр 1 ойдан 4 йилгача ва ундан кўпроқ бўлиши таъкидланади. Вирус юрак шаҳсда, яъни вирус ташувчида касаллик белгилари бўлмасда, у бошқаларға касалликни юқтириши мумкин. Вируслар лимфоцитларда қўяра бориб, уларнинг ўзаро мувозанатини бузиб юборади. Организмда илмунологик реакциялар кениши жараёни бузилиши натижасида вирус ташувчилик бевосита касаллик намойён бўлиши билан якун топайди. Олимларнинг таъкидлашича, СПИДға қарши даво чоралари топилмаган, унга қарши эмлаш воситаси ҳам йўқ. Лекин уларни топиш бўйича изланишлар, тадқиқотлар давом этмоқда. Соғлом одамға СПИД кўп ҳолларда жинсий алоқа орқали ҳамда СПИД билан касалланган ёки вирус ташиб юривчи одамлардан (донорлардан) олинган қонларни умумий касаллик билан хасталанган беморларға қўйиш ёки яхши зарарсизлантирилмаган тиббий асбоблар билан муолажа қилиш орқали юқиши мумкин. Она сутти орқали, яъни вирус ташувчи ёки СПИД билан она боласини эмлаганда ҳамда касаллик вирусининг хомилға йўлдош орқали ўти-

ши ҳам аниқланган. Шу соҳа олимларининг хабарига кўра, СПИД билан касалланганларнинг 70-80 физиони жинсий алоқа орқали юқтирилган ташкил этади. Бу гуруҳ одамларға енгил табиилатли аёллар, фоҳишалар, жазманни тез-тез ўзгартириб турувчи одамлар, бесоқолбозлар, яъни гомосексуалистлар, гиёҳвандлар, таносил касалликлари билан тез-тез хасталаниб турувчилар, тасодифий учрашувлар ҳамда хорихдан келган одамлар билан жинсий алоқада бўлишға мойил одамлар киради. Бундай шароитда ватанимиз аҳолисининг ҳар бири СПИД тўғрисида зарур билимларға эга бўлиши, ундан сақланишнинг чораларини яхши тасаввур қила олиши шарт. Республикаимизда СПИД касаллигининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича ҳамда бу касаллик тарқатишға уринувчи шахсларни қаттиқ назорат қилиш бўйича узоқ муддатға мўлжалланган дастур тузилган. ОИТСға қарши курашувчи итисослаштирилган республика Маркази, вилоятларда, шаҳарларда унинг бўлимлари ташкил этилиб, у ерларда диагностика лабораториялари очилган. Республика СПИД Маркази қошидаги аноним хоҳида СПИД ёки вирус ташувчиликка гумон қилинган шахслар аноним ёки очик ҳолда текширишдан ўттириш мумкин. Шунингдек, бу ерга хоҳлаган шахс мурожаат қилиб, ўзини қизиқтирган муаммолар юзасидан маслаҳатлар олиши учун ҳам барча шароитлар яратиб қўйилган. Модомки, СПИД вирусининг юқиши эҳтимоли бор экан, ҳар бир эркак ва аёл СПИДнинг келиб чиқиши сабабларини яхши англаб, ўз-ўзини назорат қилса, бу билан у нарқаат ўзини, атрофдагиларини ҳам уфуб касаллик чағалиға тушмаслик учун хизмат қилган бўлады. Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент



СООБЩЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ПО ОАО 5-ТАКСИСАРОЙ ПОРЯДКОВИЙ НОМЕР № - 15

Текст изменений и дополнений, вносимых в проспект эмиссии ОАО «5-ТАКСИСАРОЙ», зарегистрированной 20.03.95 г. №00289 (14-1-63)

Table with columns for 'Старая редакция' and 'Новая редакция'. It details changes to the 'Пункт 1. раздел 1. Реквизиты эмитента' section, including full and abbreviated names and share details.

Table with columns for 'Старая редакция' and 'Новая редакция'. It details changes to the 'Пункт 1. раздел II «Порядок распределения акций»' section, including initial data and share distribution details.

Table with columns for 'Старая редакция' and 'Новая редакция'. It details changes to the 'Пункт 1. раздел I. Реквизиты эмитента' section, including full and abbreviated names.

Table with columns for 'Старая редакция' and 'Новая редакция'. It details changes to the 'Пункт 3.1.3. раздел III «Сведения о перераспределении пакетов акций путем выпуска дополнительных акций»' section, including size of additional share issuance.

Пакет акций считать полностью размещенными

Тарбия

Кимнинг ёш боласи бўлса, унга ёш бола каби муомала қилсун.

«Хадис» дан.

Инсон, у ҳатто ўз боланг бўлган тақдирда ҳам, гаройиб бир синоатки, унинг қалбига ҳар доим ҳам тўғри йўл топиб бўлавермайдми. Бунинг учун болаларни дунёга келтиришдан ташқари, уларни бир умр севиш ва тинимсиз мулоқотда бўлишга тўғри келади.

ОТА БУРЧИ

Ҳўш, шундай экан, ота ва бола мулоқоти қачондан бошланади? Ота ўз боласини қачондан бошлаб тарбия қилишга киришади?

Халқимизда фарзанда меҳр-муҳаббат, уни қадрлаш ошадан нишона кўринган чоғдан қачон талаб этилган. Чунки, ҳомила пайдо бўлган кундан муайян муддатдан бошлаб эркак аёлга кўпол муомала қилмаслиги, аччиқ сўз айтмаслиги, аксинча, ширин оразулар, яхши ниятлар, зақви қўшқилар, мароқли латифалар айта туриб, аёл кўнглини кўтариши шарт бўлган.

Бола туғилган эса кулгоғига азон айтиш билан унинг мурғак қалбига илк бор Яратганнинг номи ва мусулмон оҳанглари муҳрлангани удум бўлган. Шунингдек, чақалоққа чиройли, муносиб исм кўйиш ҳам ота-онанинг фарзанд олдидаги энг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланган. Шундай қилиб, туғилганидан беш-олти кун ўтар-ўтмас чақалоқ ўзининг боқира туйғуларини билан дастлабки тарбия маскани — оилага кириб келади. Пешоналарига давлат ато этилган, яъни ёналар ва момолари билан бир ҳовлида яшайдиган ёш оила соҳибларига ҳавас қилган ҳолда, бундай кишилар оламдан ўтиб кетган ёки улардан оқсизда яшайдиган мустақил оилалар ҳолини энди бир тасаввур этиб кўринг. Яна бир кишини кўпайган хўжаликнинг бахтиёр отасини ишга кузатиб қўйган келин уйда бутун бошли рўзгор ташвишларию, ёш гўдаги билан ёлғиз қолади. Кунлар кетидан кунлар ўтиб чалоққ улғайиб, дадажонининг ишдан келишини сабрсизлик билан кутадиган ва:

— Дадажон, нима опелелди? — дег суроққа тутадиган ширинтоғга айланади.

Худди мана шу дақиқадан оталар ва фарзандлар ўртасидаги зоҳирий мулоқот бошланади. Энди шошманг, шоманг, биродар! Тўғри, ойликни ойликка учма-уч етказиб юргангиздан ҳам хабаримиз бор. Аммо шундай бўлса ҳам хўзурингизга югуриб чиққан ширинтоғингизнинг бурро-бурро қилиб берган саволига:

— Сенга ҳар куну нарса олиб келавераманми? Коч, ишдан чарчаб келдим! — дея кўрманг! Зинҳор бундай дея кўрманг. Ҳали олам, турмуш нима эканлигини англаб ҳам етмаган гўдагингизни ростмана ҳаёт билан таништиришга, ўзингизни худонинг оқибатидан бўлган саволига қўқонган кўра ороққ пул ундирган факультетдошимизнинг биринчи курсда ўқиб юрган пайтда «дада деганда ҳам пул бўлмайди-деми?» дея эрқалангани кечагидек эсимда.

одам бўлиб етишмайди. Аммо биз кўпична бунинг аксини қиламиз — тарбияни қаттиққўллик, тинимсиз тергаб туриш деб тушунамиз. «Нега чойни тўқдинг?», «Овқатни шاپиллатиб ема!», «Нега лалаясан?!» тарздаги дарғазаб танбеҳларимиз болаларга қай даражада салбий таъсир этишини эса ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Шунинг унутмаслик керакки, илк бор «лапашанг» дея ҳақоратланган бола «мен лапашанг эмасман» деб эътироз билдирса-да, бу сўзни такрор-такрор эшитиб юрганидан кейин унинг онгига «чиндан ҳам лапашанг эканма-да» деган фикр ўрнашиб қолади ва



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

2003 ЙИЛ НОБЕЛ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Жами 6 та йўналишда тасвир этилган Нобел мукофоти лауреатларининг сафи 2003 йил натижаларига кўра яна 11 кишига ортди. Яъни, 3 киши — физика, 2 киши — кимё, 2 киши — физология ва медицина, 1 киши — адабиёт, 1 киши — тинчликни сақлаш, 2 киши — иқтисодий соҳалари бўйича шундай нуфузли унвонга сазовор бўлди. Мамлакатлар фўқаролиги нуқтаи назаридан эса, 2 киши иккита давлат фўқароси бўлиб, улар А.А.Абрикосов (физика — АҚШ ва Россия) ва Энтони Ж.Легетт (физика — АҚШ ва Буюк Британия)лардир. Юқоридегиларни ҳисобга олганда, АҚШ дан 6 киши, Буюк Британиядан 3 киши Россиядан 2 киши, Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) дан 1 киши бошига бахт қўши қўнди. Мукофотланганлардан 1 кишигина мусулма аёл бўлиб, эронлик адвокат — Ширин Эбадидир. У ҳозирда Францияда истиқомат қилади. Бу аёл инсон ҳуқуқлари, айниқса, болалар ҳуқуқлари ва демократия ҳимоячиси сифатидаги фаолияти учун тинчликни сақлаш йўналиши бўйича мукофотга лойиқ топилган. Физика соҳаси бўйича А.А.Абрикосов (Россия ва АҚШ), В.Л.Гинзбург (Россия) ва Энтони Ж.Легетт (Буюк

Британия ва АҚШ)лар квант физикасидаги ўта ўтказувчанлик ва ўта оқувчанлик феноменларини тушунишдаги хиссалари учун тақдирландилар. Кимё соҳасида Питр Агр ва Р.Маккиннор (АҚШ)ларга тўқима ва инсон организмидagi сув-туз алминининини ўрганганили, аникрофи тўқима мембранаси соҳасидagi биокимё тадқиқотларда сув ва бошқа ионларни транспортация қилишда тўқима каналларини кашф этганили учун берилган. Физология ва медицина йўналишида П.Латербург (АҚШ) ва П.Менсфилд (Буюк Британия)лар магний-резонанс томография соҳасида кашфиёти учун шу мукофотга сазовор бўлганлар. Улар инсон ички организмига бевосита арашлай туриб, аниқ тасвир ҳосил қилиш техникасини ишлаб чикдилар. Натияжада медицина, диагностика (таъхис) ва даволашдаги кескин ривожланиш имкониятини асослади.

Адабиёт йўналишларидаги мукофот — Жон М.Кутзее (ЖАР)га насиб этди. Унинг асарларида гарб цивилизациясининг зулмкор рационализи ва сунъий ахлоқ меъёрлари пухта ўйландирган композиция, бой мунозар ва таҳлил муҳорат билан скептикларча баён этилганлиги Швеция қироллик академияси хайъати томонидан қайд қилинган.

Иқтисодий бўйича Нобел хотираси мукофоти соҳиблиги Роберт Энгл (АҚШ) ва Клаиво Грэйнер (Буюк Британия) эришдилар. Улар келажакни башорат (прогноз) қиладиган иқтисодий моделлар ишлаб чикдилар. Хусусан, бу моделларда молявий бозорлардаги тартибсиз флюктуацияларнинг (ўртача миқдордан четга чиккиш) акция қийматига таъсири ҳисобига юзага келадиган кескин ҳаракатлари юмшатиш механизми асослаб берилган. Бунда ялпи ички маҳсулот, истеъмол ва биржа баҳолари, банк фозизлари каби курсаткилардаги ўсиш билан боғлиқ гипотезаларнинг ўзаро муносабати ўзароли вақта нисбатан кузатили маълумотларига кўра, зарур башоратга иқтисодий моделлар ёрдамида эришилади.

Хисоб-китобларга кўра, мукофот қиймати ҳар бир йўналиш бўйича 1-1,3 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил этади. 1901 йилдан бўён бу мукофотга АҚШ фўқаролари 276 марта, Буюк Британиядан — 103, Германиядан — 76, Франциядан — 49, Швейцариядан — 30, Швейцариядан — 22, собик иттифоқ ва Россиядан — 19, Нидерландия (Голландия)дан — 15, Италиядан — 14 киши сазовор бўлишган.

КРОССВОРД

**Бўйига:** 1.Олий табақа футбол командаси. 2. Усимлик танаси қобиги. 7.Атоқли ўзбек ёзувчиси. 8.Мерган мўлжали. 12.Қадимги ёзув анжони. 13.Тригонометрик функция. 15.Коинот жисми. 17.Ип, ипак аралаш йўл-йўл газлама. 18.Бухоро вилоятидаги туман. 20.Пайғамбарлардан бири.

**Энига:** 4.«Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 5.Уй жиҳози, ойна. 11.Пойтахтимиз вилоятидаги шаҳар. 13.Саноят мойига кальцийли совув кўшиб олиндидаган ашё. 14.Суз устаси. 17.Шоҳ ва шоир, замонасининг етук олими, те мурийзода. 21.Егочдан ясалган сурнайсимон клавишли чолгу асбоби. 22.Куй ижрочиси. 24.Экинни сийрақлаб қайта экиш. 25.Коинотга парвоз этган ит лақаби.

**Ёйлар бўйича:** 9.Қорақалпоғистондаги шаҳар. 10.Асбоб, кимёвий идишларни тугиб турувчи таглик. 16.Франциянинг Луара департаменти.

6	7	3	15	1	2	0	16	5	4	5	2	0	9	1	4
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
17	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
8	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
2	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
2	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19

ти маркази. 19.Ок, сарик тусда очилувчи гул.

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида ракам атрофи:** 3.Думи узун овланадиган кўш. 6.Туркиянинг аввалиг пойтахт шаҳри. 23.Марказий Осиёдаги водийга номдош дарё. 26.Гўё олов ичида дунёга келиб, олов ичида яшовчи афсонавий маҳлуқ.

**Муаммонома Очкич сўзлар:** 1.Вақт ўлчов бирлиги — 9,1,17,10,1. 2.Ташкент шаҳри худудидаги IV-XIII асрларга оид шаҳар ҳаробаси — 12,3,2,8,6,4,3,11. 3.Ўткир Хошимовнинг «Инсон садаҳати» номи билан экранлаштирилган асари қаҳрамони — 18,13,15,14,4. 4.Йил фасли — 11,5,7. 5.Эркақларнинг энг паст музикий овози — 16,1,19.

Энди очкич сўзлар жавоблари асосида шакл атрофидаги ракамларда яширинган икки мисра ҳикмати билб олинг. Бу ибратли сўзлар форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири Саъдий Шерозий меросига мансуб.

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

**ТЕАТРНИНГ 27-МАВСУМИ**

Республикаимизда фаолият кўрсатиб келаётган театрлар орасида «Илхом» театр-студияси ўзига хошлиги билан ажралиб туради. Мана 27 йилдирики, бу иждоий жамоа томошабинлар билан юзма-юз туриб, энг яхши постановкаларни билан уларни хушнуд этмоқда. Театр ўшбу мавсуми катта тайёргарлик билан бошлаб юборди. Бунинг сабаби бор, албатта. Нега дейсизми? Билмоқчи бўлсангиз Москвада чоп этилган «Номалум ва маълум» номли китобни топиб ўқинг. Унда театрнинг 27 йиллик иждоий фаолияти қаламга олинган.

Ўшбу тўпламнинг юзага келишида очик жамият институту — Сорос жамғармасининг ҳам хиссаси бор.

А.АЛИЕВ тайёрлади

**Футбол — тест**

**XVII - ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАҚИДА**

1.Чемпионатнинг финал учрашуви қайси шаҳарда ўтган?

A) Сайтама  
B) Кофе  
C) Икогама  
D) Осака  
E) Шизуока

2. Чемпионат тўпини тақдим этган фирма номи?

A) «Soni»  
B) «Adidas»  
C) «Samsung»  
D) «Saka»  
E) «Kola»

3. Германия тарма жамоаси мураббийи ким?

A) Франц Беккенбауэр  
B) Карл Хайнц Румминге  
C) Руди Фёллер  
D) Лотар Маттеус

4. Чемпионатда катта шов-шувга сабаб бўлган Африка жамоаси?

A) Нигерия  
B) Сенегал  
C) Камерун  
D) ЖАР

5. Ўшбу чемпионат тўпурари.

A) Мирослав Клозе  
B) Йон Дав Томассон  
C) Рональдо  
D) Кристиан Вьери

6. Финал учрашувини бошқарган ҳакам?

A) Перлужи Коллина  
B) Вербовски  
C) Мело Витор  
D) Нилсен Ким Мильтон

7. Туркия тарма жамоаси дарвозабонини эслай оласизми?

A) Эмре Белозоғлу  
B) Юлдирай Басторк  
C) Ренбер Рушту  
D) Фотиҳ Акёёл

8. Сенегал тарма жамоаси бош мураббийи?

A) Антонио Оливера  
B) Абдулла Уаде  
C) Бруно Мтсо  
D) Брюс Арена

9. Осиё футбол Конфедерациясини президентини биласизми?

A) Питер Веллопан  
B) Муҳаммад Бин-Хаммам  
C) Носир Ал-Жохар  
D) Зенп Блаттер

**ISHONCH**

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Вохидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверёв (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

**Маълумоти:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотивда эркин нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилган вақти — 21.00  
Топширилди

Тиражи: 8803  
Буюртма Г— 0017  
1 2 3 4 5 6